

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

Maxsus son (1) (101), 2024



Ф.ГАППАРОВ, С.МАНСУРОВ, М.ҒОФФОРАВА. Учқизил сув омбори сув юзасидан бўлаётган буғланишни аниқлаштириш.....	59
Е.ШЕРМАТОВ, М.НАСИРОВА, Н.ГАДАЕВ. Алгоритм расчета антропогенных изменений качества водных ресурсов бассейна реки Сырдарьи	61
З.ХАФИЗОВА. Развитие садоводства на деградированных землях.....	62
Ш.ЛАТИПОВ, Ш.ЖУРАЕВА, Б.АРАЛОВ, Д.ЭСОНОВ. Расчет транспорта донных наносов трапециадального канала	64
Ж.ДЎСТОВ. Тупроқнинг сув ўтказувчанлик кўрсаткичига суғориш усули ва тартибларининг таъсири	66
А.АХАТОВ, Н.БАЙБАЕВА, Г.АЛМАТОВА. Гумус таркибидаги элементларни ҳисоблаш усули билан аниқлашх	68
Б.ЮНУСОВ, Р.НИШАНОВ. На основе программы ArcGIS, анализа уровня точности данных пользователей земель населенных пунктов	70
М.ИНОЯТОВА. Қишлоқ хўжалигида ер муносабатларини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари.....	73
S.KODIROV, G.JUMABOYEVA, D.ABDULLAYEVA. Sho'rc'hi meteostansiyasi ma'lumotlari asosida iqlim o'zgarishini dinamikasini baholash.....	75
М.АБДУРАҲИМОВА, Д.ТУХТАШЕВА. Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истикболдаги йўналишлари	76

МЕХАНИЗАТСИЯ


Ш.САЛОМОВ, Й.МУҲАММАДОВ, И.САЛОМОВ. Тупроққа асосий ишлов беришда чигитнинг униб чиқиш динамикаси ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири ..	78
I.XASANOV, A.JO'RAYEV. Tuproq qatqalog'ini g'o'za nihollariga ta'siri va uni yumshatishda qo'llaniladigan resurstejamkor mashinalar tahlili	80
Н.САФАРОВ, О.АБДУРАҲМОНОВ, Б.ҚАРШИЕВ, А.ҚУРБОНОВ. Чигит чиқарувчи қурилманинг аррали жин энергия сарфи ва чигит сифатига таъсирини ўрганиш	82
О.АБДУРАҲМОНОВ, Н.САФАРОВ, А.БОЙСАРИЕВ, Р.ЙЎЛДОШЕВ. Комбинациялашган арра-чўткали цилиндрли УЧДМ машинасини лаборатория стендида ўтказилган дастлабки тажрибалар натижалари.....	83
И.ЭРГАШЕВ, Б.АБДУЛЛАЕВ, Б.МУРОДҚОБИЛОВ, Н.АЛМУРАТОВА. Такрорий экинлар уруғини тўғридан-тўғри ноль ишлов бериш орқали экадиган қурилма секциясининг пружинасини асослаш ...	84
А.ДУСКУЛОВ, Х.МАХМУДОВ, А.МАМАДАЛИЕВ, Қ.ТУХТАБОЕВ. "Strip-till" технологиясини амалга оширувчи комбинациялаштирилган машина	86

А.МУРТАЗОЕВ. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қиладиган қурилма ағдаргичли иш органи лемехининг тупроққа ботиш чуқурлиги ва пастки қисмининг қамраш кенглиги	88
С.АЛИҚУЛОВ, А.ИГАМБЕРДИЕВ, Б.ХАКИМОВ. Тошлитупроқлар шароити учун чигит сеялкасини такомиллаштириш.....	90
A.JO'RAYEV, J.RO'ZIQULOV, Z.DJURAYEVA, D.RO'ZIQULOVA, D.MAMAEDOV. Takomillashtirilgan ariqqazgich g'altakmolasing parametrlarini aniqlash.....	92
A.BOROTOV, U.BOYKULOV, A.BAХROMOV. Granulyator qurilmasini parametrlarini granullaga ta'siri	93
А.УСМАНОВ, З.ШАРИПОВ. Обоснование комплексов машин для возделывания и уборки озимой пшеницы, ячменя, сои и кукурузы на зерно ..	95
А.КАРИМОВ. Филдиракли тракторлар рул юритмаси параметрларини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили.....	97
Ф.НОСИРОВ, А.УРОКОВ, Г.АРЗИКУЛОВ, Ш.АМИРОВ. Применение фотоэлектрических установок в аква-гидропонике в сельском хозяйстве.....	99
Э.УЛУГМУРОДОВ. Анализ технологических параметров изготовления трехэлектродных термодатчиков	103
I.NURITOV, Z.MUQIMOV, S.QOZOQBAYEV. Don mahsulotini vaqtincha saqlash ombori.....	104

ИҚТИСОДИЙОТ

С.АХМЕДОВ. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари	106
В.АЙДАНИЯНИЯЗОВА. Korxonalarining ixtisoslashuvi, tarmoq tuzilmasini shakllantirish va ular faoliyati samaradorligini oshirish omillari	108
A.YADGAROV. Oziq-ovqat sanoatini barqaror rivojlantirish asosida oziq-ovqat xavfsizligiga erishish ...	110
М.ХОЛМУРАДОВ, Ф.УМБАРОВ. Тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишда хориж тажрибаси	111
В.МАВЛАНОВА. Erkin iqtisodiy zonalarning rivojlanishiga ta'sir qiluvchi omillar	113
У.АЛЛАНАЗАРОВ. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш таҳлили.....	115
М.Қурбонова. Мамлакатимизда туризм ва меҳмонхоналарда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатишда смарт маркетинг жорий этилишидаги камчиликлар	117
G.ALIYEVA, G.ALIEVA. Oilaviy tadbirkorlikning hozirgi holati va uning ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmlari ...	119

Surxondaryo havzasiga yog'inlar mavsumi asosan noyabr-may oylariga to'g'ri keladi. Shu davr mobaynida yillik yog'inning katta qismi yog'ib o'tadi. Surxondaryo havzasining g'arbidagi tog'larga yog'in kam yog'adi. Sababi, janubiy-g'arbdan vodiya keladigan nam havo oqimi meridian yo'nalishida joylashgan g'arbdagi tog'larga urilib, tog'ning shu yonbag'irlariga yog'in tushadi. Tog'dan oshib esa yog'in bermaydi. Nam havo oqimi shimol va shimoliy-g'arbgacha borgan sayin tog'lar tomon ko'tarilib soviydi va ko'p miqdorda yog'in beradi. Natijada Hisor tog' yonbag'irlarida yog'in miqdori 1200-1500 mm ga yetadi [2,3,5].



3-rasm. Sho'rchi meteostansiyasidagi atmosfera yog'inlari taqsimoti.

Havzadagi eng kam yog'in Surxondaryoning Amudaryoga quyilish joyiga yaqin tekisliklarga tushadi. Shimol va shimoliy-g'arbgacha qarab yog'in miqdori ko'payib boradi. Buni meteorologik stansiyalar ma'lumotlari orqali ham bilib olishimiz mumkin.

Gistogrammadan ko'rinib turibdiki, 1986-2023-yillarda yilning har bir oyida yog'ingarchilik ko'paygan, hatto yoz oylarida ham yog'ingarchilik oshgan. May-noyabr va dekabr oylarida yog'ingarchilik sezilarli ko'paygan.

Xulosalar. Havo haroratini oylararo o'zgarishi grafigidan ko'rinib turibdiki, 1975-2023 yillardagi barcha oylarda harorat borgan sari oshmoqda, ayniqsa iyul-dekabr oylarida bu o'zgarish yaqqol ko'zga tashlanadi; 2000 yillardan boshlab iyul-dekabr oylarida havo haroratlari sezilarli ko'tarilgan. Shuningdek, 1986-2023 yillarda atmosfera yog'inlari deyarli hamma oylarda orta boshlagan, ayniqsa noyabr-dekabr oylari bunda yaqqol ko'zga tashlanadi. Qiziqarli tomoni shundaki, iyun-iyul oylarida ham yog'inlar ancha oshgan. Bundan tashqari bahor va yoz oylarida toshqinlar soni ko'paygan.

Sobir KODIROV, katta o'qituvchi,
Gulnora JUMABOYEVA, assistent,
Durdona ABDULLAYEVA, talaba,
"TIQXMMI" MTU.

ADABIYOTLAR

1. Кодиров С.М., Мансуров С.Р. Иклимий ўзгариш шароитида Оҳангарон дарёси оқимига метеорологик омиллар таъсири баҳолаш. – Т. «Агроилм», ISSN 2091-5616, № 4 (67) 2020. 58-60 б.
2. Кодиров С.М., Рузиев И.М. Оценка водности малых рек аридных зон Узбекистана. – Т. Ташкентский институт ирригации и мелиорации, научный журнал «Агроилм», ISSN 2091-5616, № 1, 2014.
3. Maidment David R. et.al. 1993. editor in chief. "Handbook of hydrology". (Maidment David R. et.al. 1993, chapter 19, 19.1-19.2)
4. Shults V.L. 1965. The rivers of the Central Asia. – Leningrad: Publishing House of Hydrometeorology. (Shults V.L. 1965, 253-265)
5. Kodirov S.M. 2018. "Assessment of Water Content in Hydrologic Time Series Using Difference Integral Curves (Example of The Pskem River)". Mechanics, Materials Science & Engineering, Tashkent. Vol. 16. doi: ISSN 2412-5954. Accessed February 28, 2021. (Kodirov, 2018)

ЕР АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишларини белгилаш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Таҳлил асосида ер ахборот тизимини ривожлантириш дастури Тошкент вилояти мисолида бошқичларга бўлинган ҳолда ўрганилган.

Калим сўзлар: ер ахборот тизими, ер кадастри, ахборотлаштириш, интеграция, ахборот ресурси, ер ахборот таъминоти, ер кадастри китоби.

Аннотация. В статье разработана программа определения дальнейших направлений формирования земельной информационной системы. На основе анализа изучена программа развития земельной информационной системы путем разделения ее на этапы на примере Ташкентской области.

Ключевые слова: земельная информационная система, земельный кадастр, информатизация, интеграция, информационный ресурс, земельно-информационное обеспечение, земельно-кадастровая книга.

Abstract. In the article, a program was developed to determine the future directions of the formation of the land information system. Based on the analysis, the development program of the land information system was studied by dividing it into stages on the example of Tashkent region.

Key words: Land information system, land cadastre, informatization, integration, information resource, land information supply, land cadastre book.

Кириш. Жаҳон амалиётидаги кузатишларга кўра, давлат бошқарувининг барқарорлиги ва ривож топишининг асосий омили ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолати

таҳлили, уларни мониторинг қилиш ва бошқарув тизими ҳар қандай давлат учун катта аҳамият касб этади. Ер ресурсларини бошқаришга нисбатан давлат сиёсати, ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий, табиатни муҳофаза қилиш, технологик

ва бошқа кўринишларини тақозо этгани каби, уларни ўзаро интеграция қилиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари тўғрисидаги дастур хусусида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ислохотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, «Маҳалла» ягона ахборот тизимини ҳудудда жорий этиш ва «E-raqoq» электрон тизимини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этишда ер ахборот тизими ўрнини аниқлаш каби ахборот тизимларини жорий этиш долзарб аҳамиятга моликдир.

Ерга оид муносабатларни шакллантиришда ҳаққонийлик, омилкорлик, шаффофлик ва адолат сиёсати, мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришдаги умумий йўналишларни асосий қисмларидан бири бўлиб қолмоғи лозим. Зеро Ўзбекистон Республикаси ер ахборот тизимини шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш зарурати, республикамиз ер ресурсларини иқтисодий раванқ топишга элтувчи асосий айланмасига бирикиб кетганлигидан, ундан оқилона фойдаланиш, уни муҳофазалаш, ердан фойдаланишнинг такомиллашган миллий ахборот тизимини яратилишидан келиб чиқмоқда.

Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишлари тўғрисидаги дастур ва уни ижро этиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси ердан фойдаланишни бошқаришга оид қонунчилик ҳужжатлари талабларига ҳам мос келади. Республикада ягона ер фонди тўғрисидаги ахборотларини истиқболдаги дастурининг асосий мақсади қуйидагилардир:

– ер фонди, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

– ер муносабатларини бошқаришда мулкчилик шаклидан қатъий назар, ер ресурсларидан фойдаланишга оид қонунчиликда белгиланган қоидаларга мувофиқ давлат ҳуқуқ органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

– ер участкасига доимий эгалик қилиш ва фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижара ва эгалик қилиш бўйича ҳужжатлар шаклини такомиллаштириш;

– ердан фойдаланишда самарали ва оқилона фаолият кўрсатишни, солиқ сиёсатини инвестициялаш ва такомиллаштиришдан тушадиган қийматларни ўсиб бориши учун зарурий йўналиш ҳисобланувчи, қайта яратилган институтлар тариқасида кўриб чиқишга илмий-услубий


асосларни яратиш.

Дастурни уч босқичдан иборат ҳолда амалга ошириш тавсия этилади. Унинг дастлабки босқичи мазмунан, вилоят ва туман(шаҳар) ер ахборот тизимини самарали юритиш йўналишларини акс эттиради. Уни 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳолатда амалга ошириш кўзда тутилади. Биринчи босқичда танлаб олинган стратегик мақсад бир томондан, сарф-ҳаражатлар энг кам бўлишига, иккинча томондан эса, қисқа вақт ичида самарали иқтисодий фойда беришига имкон яратувчи фаолиятга йўналтирувчи ер муносабатлари устуворлигини ва ундаги ташкилий-техник муаммоларни ечишни таъминлайди. Биринчи босқич 2025 йилгача бўлган муддатни қамраб олган ҳолда асосан, сезиларли сарф-ҳаражат талаб қилмайдиган, ер муносабатларида сифатли ўзгаришларга олиб келувчи, ҳуқуқий-техник, ташкилий бошқарув, ер ахборот таъминоти босқичларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган технологик характердаги чора-тадбирлар амалга оширилади ҳамда II босқични ўтказиш учун ташкилий-иқтисодий асосларни яратишга хизмат қилади. Ер ахборот тизимини такомиллаштиришнинг бош мақсади иқтисодий томонларида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ер фондининг ижтимоий, инвестицияли ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кўтаришга оид ишончли, ҳаққоний ва зарурий ахборотлар билан таъминлашдир.

II босқич 2026 – 2028 йилларда ердан самарали фойдаланиш бўйича ишларни ўтказишга қаратилган ер ахборот тизимини яратишдан иборат техник-технолик чора-тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилади. Ушбу босқич асосан ер ахборот тизимига оид мавжуд услубларни такомиллаштиришни ҳам қамраб олади.

Ер участкаси ва кўчмас мулк объектларини шакллантириш жараёнида ушбу объектларни бир-биридан ажратиб олиш бир қанча комплекс тадбирларни ўтказишни талаб қилади. Бунинг натижасида объект бўйича тасдиқланган ҳужжатлар маълумотлари асосида шундай жисмоний, юридик, техник ва иқтисодий тавсифнома оладики, бу муайян ер участкаси ва кўчмас мулк объектини бошқаларидан яққол ажратиб туради.

Истиқболда кўчмас мулк объекти икки йўл билан шакллантирилади: давлат бошқарув органларининг ташаббуси билан ва уларни маблағи ҳисобига режалаштирилган рўйхатга олиш натижасида; қуйи пағонада эса юридик ва жисмоний шахслар ташаббуси ва уларнинг маблағи ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилади. Тажриба шуни кўрсатадики, давлат бюджети ҳисобидан ер ва кўчмас мулк объектларини комплекс ялпи рўйхатга олиш катта маблағ сарфлашни



1-расм. Дастурни амалга ошириш тамойиллари.

талаб қилади ва одатдагидек, қутилган иқтисодий самарани бермайди. Умумий стратегиядан устуворроқ йўналишни танлашдан келиб чиқиб, биринчи босқичда рўйхатга олиш ишлари тезроқ иқтисодий фойда бера олиш имконияти бор ҳудудларда омилкорлик ва иқтисодий манфаат келтирадиган усул ҳисобланади.

ЕАТни ердан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган, ўзаро узвий боғланган давлат миқёсидаги ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва ташкилий-хўжалик чора-тадбирларни жорий этишга асосланган тизим деб ҳисоблашимиз лозим.

Дастурнинг учинчи босқичи (2028-2030 йиллар)да ер ахборот тизимини шакллантириш жараёнига оид мониторинг ўтказиб бориш устидан давлат назоратини амалга оширишдан иборат. Назорат мақсади ер участкаларига эгалик қилишнинг қонунийлиги ёки унинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлигини аниқлашдан иборат. Назорат ишлари ер участкаларининг амалдаги ўлчамлари ва чегараларини аниқлаш билан боғлиқ тадбир ҳисобланади. Амалда қонуний ер участкаларининг майдонларини ўзбошимчалик билан кенгайтириб олиш; бир қисмини бошқа шахсга бериш йўли билан ер участкалари майдонининг қисқариши; амалиётда ер участкалари чегараларини уларни ўзбошимчалик билан алмаштириш орқали ўзгартириш каби ҳолатлар учраб туради. Бинобарин, фойдаланувчи ердан амалда юқорида келтирилган салбий ҳаракатлар оқибатида унга қонуний берилган ердангина эмас, балки бошқа ер майдонларидан ҳам фойдаланаётган бўлиши мумкинлиги аниқланади.

Назоратни ўтказишда ЕАТ хизмати масъул мутахассиси ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ёки ер участкаси мулкдоридан ер участкаси унга берилишининг ҳуқуқий асослари, ер участкаси ўлчамлари ва чегаралари тўғрисидаги барча керакли ҳужжатларни талаб қилиш ваколатига эга

бўлиши зарур. Ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик қонун томонидан тақиқланади ва ерга эгалик ҳуқуқини бекор қилинишига асос бўлади. Ҳар бир муайян ер участкасидан қайси мақсадда фойдаланилиши ер фондини бошқарувчи давлат органлари томонидан аниқланади ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларида акс эттирилади. Назорат ишлари асосан кадастр ҳужжатларида белгиланган мақсадли фойдаланишнинг амалдаги ҳисобга тўғри келишини аниқлаш бўйича ўтказилади. Давлат ер назоратининг махсус тадбирларни алоҳида ер тоифалари ва ер турларидан оқилона фойдаланилишни таҳлил қилиш мақсадида ўтказилади. Шу сабабли ҳам давлат назоратининг махсус турлари ер ахборот маълумотлари асосида жорий қилиниши керак. ЕАТ эксперт хизматини жорий этиш қутилган самарали натижаларни бериши мумкин. Эксперт хизмати таркибига кирувчи мутахассиснинг асосий вазифаси ЕАТга оид ҳужжатларни меъёрий – ҳуқуқий ва техник талабларга мослиги, уларда қайд этилган таклиф ва тавсияларни илмий асосланганлигига эътибор қаратиши зарур бўлади.

Хулоса. ЕАТни шакллантиришни таъсирчан механизмларини уйғун ҳолда ва ердан фойдаланишни ҳамда ер фондининг қайта тақсимотини мувофиқлаштириб борувчи барча тизимларни шакллантириш зарурияти мавжуд. Ер ахборот тизимини шакллантиришнинг истиқболдаги йўналишларини белгилаб берувчи дастурни жорий этиш орқали ерга оид муносабатларда замонавий ахборот технологияларини қўллаш билан бир қаторда, маълумотлар оқимини тезкор ва ҳаққоний алмашиш имконияти юзга келади.

**Моҳигул АБДУРАҲИМОВА, тадқиқотчи,
Дилноза ТУХТАШЕВА, магистрант,
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети.**

АДАБИЁТЛАР

1. Бобожонов А.Р., Рахмонов К.Р., Ғофиров А. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2013й. -208б.
2. Ўзбекистон республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботи. Т.: 2020 йил.

УЎТ: 633.511:631.4:633.512:631.559

МЕХАНИЗАТСИЯ

ТУПРОҚҚА АСОСИЙ ИШЛОВ БЕРИШДА ЧИГИТНИНГ УНИБ ЧИҚИШ ДИНАМИКАСИ ВА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада тупроққа асосий ва экиш олди тадбирларни занжирли Т-4А ҳамда гилдиракли Магнум-8940 трактори билан ишлов берилганда чигитнинг униб чиқиши, илдиз тизими шаклланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ғўза, тупроқ, чигит, шудгор, сув, Т-4А-занжирли, Магнум-8940 – гилдиракли, тракторлар, барона, мола, ўниб чиқиш, илдиз тизими, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье приведены сведения о влиянии основной и предпосевной обработки почвы на всхожесть семян, формирование корневой системы и продуктивность при обработке цепным Т-4А и колесным трактором Магнум-8940.

Ключевые слова: хлопок, почва, семена, плуг, вода, Т-4А-гусеничный, Магнум-8940-колесный, тракторы, волокно, мола, всхожесть, корневая система, урожайность.

Abstract. This article presents information on the effect of the main and pre-sowing measures on the soil on seed germination, root system formation and yield when working with a chain T-4A and wheeled Magnum-8940 tractor.

Key words: cotton, soil, seed, plow, water, T-4A-tracked, Magnum-8940 - wheeled, tractors, windrow, fiber, germination, root system, productivity.

Кириш. Бугунги кунда дунё пахтачилигида ресурс ва энергиялардан самарали фойдаланиш, уларни тежайдиган

технология ва техника воситаларини қўллаш, тупроққа асосий ва экиш олди ерни сифатли тайёрлаш, самарали ғўза қатор